O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 5 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 52 (7247)

Da'vat

Инсон учун билим орттиришнинг ўзи кифоя эмас, олинган билимни тараққиёт йўлида сарфлашни ҳам билмоқ лозим.

Иоганн ГЁТЕ

Ibrat

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Хоразм вилоят қўмитаси томонидан бир миллион сўм маблағ ажратилиб, Урганч Давлат университетида ўқиётган 200 нафар талабанинг ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган оромгоҳ ташкил этилди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг "ДЭУ мотор" компанияси президенти Ким Шин Жонгни қабул қилиб, мамлакатимиз корхоналари билан "ДЭУ" корпорацияси ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётганидан мамнунлигини изҳор этди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилди.

• Қирғизистон ташқи ишлар вазири Муродбек Имоналиев июль ойининг бошида мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида фикр алмашди ҳамда ташқи ишлар вазирлари Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқароларининг ўзаро борди-келдиси тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекдилар.

• Швеция ҳукумати Чернобиль АЭСининг тўртинчи реактори хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун 24 миллион швед крони (12,8 миллион АҚШ долларига тенг) миқдоридаги маблағ ажратди.

• Ўзаро келишмовчиликлар туфайли бир-бири билан савдо-сотиқни учинчи давлат орқали амалга ошириб келган Покистон ва Ҳиндистон алоқаларини кенгайтириш масаласи чуқур ўрганилмоқда, дея маълум қилди Покистон савдо вазири Абдураззоқ Довуд.

Abiturient — 2000





ҚУТЛУҒ НИЯТЛАР ИЛА

УМУМИЙ МАНЗАРА

Юрак бетоқат уради. Буниси ҳали ҳолва, энг катта, ҳал қилувчи синов август ойининг илк кунида ўтказилади. Ҳар қалай ҳужжат топшириш ҳам ҳаяжонли лаҳзалардир.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қабул ҳайъатига ҳужжатини қўлтиқлаб кирган ҳар бир абитуриентнинг қалби ҳаяжонга тўла эканлиги кундек равшан. Гўёки ҳужжат топшириш ҳам дастлабки синов.

Университетнинг дарахтлар қуюқ соя ташлаган ҳовлиси тўсиқ билан ўралибди. Абитуриентлар галма-галдан ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича керакли ҳужжатларни топширишаётир. Мавсумий жараёнга 40 га яқин киши жалб қилинган. Улар орасида 5 нафар маслаҳатчи, 30 нафар техник ходимлар бор. Қолганлари эса масъул котиб ёрдамчиларидир.

Бош қашишга ҳам уларнинг вақтлари йўқ. Абитуриентларнинг эса кети узилмайди.

(Давоми 2-бетда)

Taraddud

ТЕСТ СИНОВИ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАДИГАН ЖАРАЁН

Яқинда Россия таълим вазири Владимир Филипповга бевосита мулоқот чоғида айрим абитуриентларга кириш имтиҳонларида очиқчасига баҳолар ошириб қўйилаётганлиги, унинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётганлиги хусусида савол тушди. Вазир бу саволга жавоб бера туриб, бунинг бирдан-бир йўли олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини бекор қилиб, унинг ўрнига ягона миллий тестни жорий этиш эканлиги, бу тадбирни амалга ошириш учун эса яна 3-4 йил керак бўлишини айтди. Мамлакатимизда эса абитуриент-лар мана, 7 йилдирки талабаликка айнан шу — холис, адолатли усул, деб баҳоланаётган тест асосида сараланмоқда. Ушбу танлов холисликни таъминлашдан бошқа яна қандай мақсадларни кўзда тутган эди ва уларга қанчалик эришилмоқда? Бу йилги тест-синовларини ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Бу борадаги янгиликлар, ўзгаришлар нималардан иборат, каби саволларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бошлиғи Муҳсин МУҲИТДИНОВ жавоб беради:

— Ҳукуматимизнинг, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларидан воз кечилиб, ёппасига тест-синовларга ўтилганлиги аввало, абитуриентлар ичидан талабаликка танлов сифатини оширишга қаратилган тадбир эди. Маълумки, унгача бўлган вақтда ушбу сифатни таъминлашга монеълик қилаётган бир талай тўсиқлар мавжуд эдики, энг ачинарлиси, улар нафақат биргина танлов жараёнига, балки бир бутун олганимизда мамлакатимиздаги барча соҳалардаги ривожланишга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиб келаётган эди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак бу тадбирдан кўзланган мақсад, унга юкланган вазифа нақадар муҳим ва юксак.

Биз навбатдаги тест синовларига тайёргарликни унинг жорий йилдагисини тугаллаганимизданоқ бошлаб юборамиз. Бу жараён бирнеча йўналишларда олиб борилади. Аввало бўлиб ўтган тест синовларининг қандай ўтказилганлиги — нималарга эришилди, қандай камчиликлар бўлди, буларни барчаси таҳлил қилинади. Шу орқали тест тизимини такомиллаштириш учун зарур бўлган жиҳатлар аниқлаб олинади ва иш маълум бир мақсадда ташкил этилади.

Иккинчи бир йўналишимиз – тест синови натижаларини таҳлил қилишдан иборат. Бу ишни биз кўпгина кўрсаткичларга асосланган ҳолда олиб борамиз. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, қайси институтга, олий ўқув юртига талаб, танлов қандай бўлганлигидан, ўрта умумтаълим фанларининг қайси вилоят, туман ва мактабларида ўқитилиш сифатигача қамраб олинади. Демакки, тест-синови нафақат абитуриентни саралайди, балки шу баробарида йиғилган бой маълумотлардан фойдаланиб, мавжуд таълим тизимига маълум даражада ташхис ҳам қўяди. Ўтказилаётган ушбу таҳлилларимиз аниқлигига биз жойларда ўтказилган тест натижаларига бағишланган йиғилишларда амин бўлдик.

Энди бевосита тест тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга тўхталсак. Тест жараёни замон талабига мос равишда ривожланиб бораверади. Чунки ҳаёт ҳар бир мутахассисликка юқори талаб қўяётган экан, аввало, билимли, эътиқодли, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган ёшларни камол топтириш тақозо этилади. Қувонарлиси – йилдан йилга тестни жамиятимиздаги янги ижтимоий ҳодиса сифатида англаб, уни тўғри тушуниб, чин дилдан тайёрланиб, ҳақиқий билимга эга бўлаётган ёшлар кўпаймоқда. Лекин тестда турлича "қинғир" йўлларни излаётган, осонлик билан ўқишга киришни истаётганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам тестларни сифат жиҳатдан, ташкилий ва услубий жиҳатдан такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Давлат тест маркази тест банки жамғармасини муттасил кенгайтириб, юз мингга етказди. Ҳозир исталган мутахассислик бўйича кўплаб тенг қувватга эга бўлган тест топшириқлари вариантини тайёрлаш имконияти яратилди. Бундай шароитда абитуриентнинг тест жавобларини ёдлаб олиш имконияти йўқолади. Саволлар тузишда ҳам шунга эътибор берилдики, абитуриент жавоб излашда ўйласин, мустақил фикр юритсин ва хулоса чиқарсин.

Давлат тест маркази эълон этилган тестларни мазмун ва моҳиятини сақлаган ҳолда мукаммаллаштирмоқда ва ўзгартирмоқда. Шунингдек тўғридан-тўғри тест имтиҳонида қисман топшириқлар қўшилмоқда. 2000 йилда "Ахборотнома" ("Вестник") журналларининг фақат 10 та сони чоп этилди. Буларнинг ҳаммаси абитуриентдан чуқур ва асосли билим олиб тестларга тайёрланишни тақозо этади. Тест топшириқлари мавжуд мактаб ўқув дастурлари асосида, чоп этилган дарслик ва қўлланмаларга қатъий риоя этиб тузилган.

(Давоми 2-бетда)

Йиғтувчи ён дафтарича

ЯНГИ ТУР

Ўзбекистон Қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг Омонулла Иброҳимов бошчилигидаги мутахассислари жамоаси қорақўл қўйининг янги, зармалларанг зотдор турини яратдилар. Бундай қўйининг ўзига хос хусусияти тана тузилишининг ихчамлиги, чўл шароитига яхши мослашганлиги, жунининг ноёб тус-зарринлиги ва ялтировчанлигидан иборатдир.

ОҒИЗДАН НАФАС ОЛИШ

бурун орқали овқат ейиш билан баробар, дейилади Йога таълимотида. Новосибирсклик олим Константин Бутейко касалликларнинг 70 фоизи нотўғри нафас олишдан келиб чиқишини аниқлади. Нотўғри нафас олаётган инсон танаси ҳаво таркибидаги элементлардан тўғри фойдалана олмайди ва танадаги шу элементлар иштирокида содир бўладиган кимёвий жараёнлар охирига етмай қолади, дея таъкидлайди олим.

АНИҚ БЕЛГИЛАЙДИ

Қуддус университетининг тиббиёт факультети ва "Хаддас" тиббий маркази олимлари саратон касаллигини текширишнинг янги турини ишлаб чиқишди. Эндиликда янги усул туфайли қон саратони билан касалланганларга кимё терапиясининг қандай турини қўллаш кераклигини аниқ белгилаш имконини беради.

ЙЎҚСА, АЛОҚА УЗИЛАДИ

Эндиликда АҚШда жорий этилган янги қоидага кўра, телефонда сўкиниб гаплашиш таъқиқланади. Кимки, ушбу қоидани бузса ўша абонент дарҳол абонентлик рўйхатидан чиқариладиган ва маъмурий чора сифатида телефон алоқаси узиб қўйиладиган бўлди. Мажбурий бўлса-да, хушмуомалалик, барибир, яхши-да.

Ta'lim homiylari

МАКТАБ ҚУРАЁТГАН ТАДБИРКОР

"Булунғурда бир тадбиркор мактаб қураётганмиш" эшитдим ва уни тадбиркорни кенг ўқувчилар оммасига таништириш мақсадида "Ипак йўли" ширкатлар уюшмасининг Жонхўроз қишлоғига ташриф буюриб, барчани қизиқтираётган мактабни ҳам топдик. У шундоққина йўл устида, қишлоқнинг марказий қисмида жойлашган экан. Мактаб биноси тўла тикланиб, фақат ички ва ташқи пардоз ишлари ниҳоясига етказилаёт-ган экан.

—Мамаюсуф ака фасад бўёғини олиб келиш учун жаатимизни инобатга олиб 240 ўқувчига мўлжалланган инвентарлар берди.

—Бундай ташаббус учун нима туртки бўлган?

—29-мактаб аслида бошланғич мактаб ҳисобланиб, унда 4-синфгача бўлган ўқувчилар таҳсил олишарди. Юқори синфларга ўтган, атрофдаги яқин мактабларга бориб ўқишарди. Бошланғич мактаб ҳам авария ҳолатидаги мактаб эди. Мамаюсуф ака шундай саховатпеша, савобталаб инсон эканларки, ўз ҳисобларидан келажак шулар-ники, дея болалар учун замонавий мактаб қуриб бермоқдалар.

—Мактабни қуриш режаси Мамаюсуф акада ўтган йилнинг Наврўзи арафасида пайдо бўлган, - деди мактаб директори Ҳамид Исроилов. — "Ипак йўли" ширкатлар уюшмасидан шу мақсадда 2 гектардан ортиқ ер сўраб олиб, қишлоқдошлар ёрдамида майдонни текисладилар, лой ишларида, пойдевор қўйиш ишларида кўмак бердилар. Ҳозир эса 13 та синф-дан иборат 240 ўринли мактаб биноси тўлиқ қуриляпти. Мактаб биносига 1200 метр жойдан газ қувури тортиб келинди. Бундан ташқари, таълим устахонаси, спорт зал қуриш режалаштирилган. Биринчи сентябрь — Мустақиллик байрами арафасида мактаб биносини фойдаланишга топшириш белгилаб қўйилган.

Дарвоқе, Мамаюсуф ака илгари вилоят дориҳоналар бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган. Ўша пайтлари ҳам билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни кўп ҳурмат қилганликларини эшитганмиз. Ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги болалар кўримсиз мактабда ўқиётганини кўриб, кўрмаслиққа олишга у кишининг виждони йўл қўймади. "Бор-э" деб, пешона тери билан топган пулларини энг савоби ишга - мактаб қуришга сарфламоқда. Бундан ташқари, у киши қишлоқ учун масжид, чойхона қуриб берганлар. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш баравари-да 200 минг туп терак парваришламоқда, 3 гектар ерда шифобахш наъматак етиштирмоқда.

Хуллас, ушбу савобли иш қанот чиқариб, барча тадбиркорларнинг юрагига чўғ солишини истаймиз. Ташаббускор Мамаюсуф акага эса узоқ умр, баракали ҳаёт тилаб қоламиз.

Ш. ШОКИРЖОНОВ,
Самарқанд вилояти

«Hech kimga bermaymiz seni, O'zbekiston!»

ВАТАННИ ҚУЙЛАШ БАХТИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби стадиони ўн беш мингдан кўпроқ томошабинни бағрига олди. Ҳамманинг қалбида бир истак, бир орзу — Ватан қуйини тинглаш. Сабаби, бу ерда Фидокорлар партиясининг Ёшлар қаноти, Олий Мажлиснинг Ёшлар комиссияси, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" теле ва радиоканаллари ташкилотлари томонидан ташкил этилган "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остидаги ҳарбий ватанпарварлик қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди.

Дастлаб, стадион узра давлатимиз рамзи бўлган Ўзбекистон Байроғи кўтарилди. Йиғилганлар ўринларидан тик туриб уни олқишлашди. Сўнгра, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вакиллари ва Чирчиқ олий ҳарбий танк қўмондонлик муҳандислиги билим юрти курсантлари чиқишиб, ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўзларининг юксак маҳоратини кўрсатишди.

Турли чет мамлакатларда бўлиб, бир неча халқаро спорт турнирларида, мусобақаларида ғолиблик камарини белга боғлаган спортчиларимиз майдонга ташриф буюришди. Улар спортнинг турли соҳалари бўйича Ватанимиз шуҳратини дунёга ёйишган. Бокс бўйича 12 карра жаҳон чемпиони Артур Григорьяннинг минглаб томошабинларнинг олқишлари остида майдонга чиқиши спортчиларимизнинг дунё миқёсида эришаётган муваффақиятларига билдирилган миннатдорлик белгисидай эди.

Ва ниҳоят, томошабинлар интиқиб кутган онлар ҳам етиб келди. Ватанни мадҳ этувчи куйлар ижрочилари майдонга ташриф этишди. "Ялла", "Шаҳзод", "Сетора", "Хўжа", "Аср" гуруҳлари чиқишди. Улар она-Ватан, истиқлол, Ватанпарварлик, жасурлик, мардлик ва қаҳрамонликни улуғловчи куй-қўшиқлар ижро этишди. Рақҳосалар гўзал рақслари дилни қунатди.

Халқимиз севган санъткорлар билан бирга ёш санъаткорлар ҳам спорт ва санъат байрамидан четда қолишмади. Озода Нурсаидова, Илҳом Фармонов, Лариса Москалёвалар томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида чиройли, дилтортар қўшиқлар айтишди. Яқин орада майдонга бунчалик одам йиғилмаган, бунчалик олқишлар бўлмаган эди. Бу ҳам бўлса Ватанни севишдан, унга интилишдан. Севимли хонанда Юлдуз Усмонова ўзининг фестиваль шиорига айланган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» қўшиғини ижро этганида томошабинлар ҳайрат ва ҳавас туйғуларига асир бўлганди. Бу туйғу Ватанни куйлаш улуғ бахт эканлигини айлантарди. Фестивалга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ҳамда чет эллардан меҳмонлар қатнашди.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат" мухбири

Tadbir

ДАРСЛИКЛАР МУКАММАЛ БЎЛСА...

Ҳозирда миллий мафкура ва миллий ғоя концепциясини яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг баробарида юртимиз тарихини ўрганиш ва уни ёш авлодга етказиш ҳам муҳим вазифалардандир. Халқимиз тарихини ҳаққоний ёритиш масаласига Юртбошимиз ҳам алоҳида эътибор билан қараб, бу борада зарур таклиф ва тавсияларини бериб бормоқдалар. Бевосита Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари боис мазкур масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Масаланинг бунчалик долзарб аҳамият касб этаётганлигининг сабаби нимада?

Биринчидан, истиқлолга эришганимиздан сўнг, халқимизнинг руҳини, ғурурини ифодаловчи ҳаққоний тарихини яратиш зарурияти туғилди. Бусиз тараққиётнинг бирор поғонасига кўтарилиш тугул, қўлга киритилган улуғ саодатни асраб қолиш ҳам қийин.

Иккинчидан, тарих миллий мафкурамизнинг асосий омили, жонбахш томирларидан ҳисобланади. Тарихимизда юз берган воқеа-ҳодисалар бугунги миллий мафкурамизнинг амалий кўринишларидандир. Чунки ҳар бир воқеа-ҳодиса замирида унинг иштирокчиси бўлган халқ, гуруҳнинг манфаатлари, орзу ва интилишлари ётади. Бундай тарихий манбаларни ўрганиш ёш авлод онгида Ватанга, халқига бўлган муҳаббатни кучайтиради.

Бироқ, олиб борилаётган илмий ва амалий ишларга қарамасдан ҳануз жойларда тарих фанини ўқитиш муаммо бўлиб қолмоқда.

Нега шундай?

Олий ўқув юрти кутубхоналарида янги таҳрирдаги тарих дарсликлари етарлича эмас, борлари ҳам ислоҳга муҳтож. Талаба ўз юртининг тарихини қайси китоб ёки қўлланмадан ўрганади? Бу тўғрида мукаммал, изоҳталаб бўлмаган илмий нашрлар борми? Масала шу даражада экан, шунга масъул бўлган мутасаддилар қандай амаллар билан машғул? Бир сўз билан айтганда, муаммолар ойдек равшан, ҳамма гап уни қай йўсинда ҳал этишда?

Ўзбекистон Миллий университети мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Республика Археология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорликда ўтказган "Тарих фани: унинг бугунги аҳволи ва истиқболи" мавзуидаги Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг икки йиллигига бағишланган республика семинарида ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда)

Лоқайдлик — янгилик душмани 2-бет
Улар бу улуғ унвонларга ва буюк номларга лойиқ 3-бет
Темурбек Темур тимсолида 3-бет
Жаҳонни лол қолдирган олмос 4-бет
Қишлоқ таътили 4-бет

Бу йил тест синовлари кундузги ва сиртқи бўлимларга бир кунда ўтказилади.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, вилоятда жами ўқувчиларнинг 14 фоизигина дарсдан ташқари спорт тўгаракларига қатнашадилар, холос.

ТЕСТ СИНОВИ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАДИГАН ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу йил тест синовлари кундузги ва сиртқи бўлимларга бир кунда ўтказилади. Шундай қилинганда абитуриент "ё остидан, ё устидан", дея таваккал қилмасдан, фақат чуқур билим олиб, ўқув юртини қатъий танлаб тест имтиҳонида иштирок этишга ўзида масъулликни ҳис этади. Давлат тест маркази ўқув юртлари қабул комиссиясидан абитуриент ҳақида тўлиқ маълумот беришни талаб этмоқда. Улар "Абитур" автоматлаштирилган информацион тизими асосида ҳар бир абитуриент ҳақида тўлиқ маълумотни ДТМга юборади. Унда паспорт рақами ва серияси, аттестат ва мактаб рақами ва бошқа 20 дан ортиқ маълумот берилади. Абитуриент паспортига оид маълумотлар биринчи марта олинмоқда. Худди шундай маълумот таълим олаётган талабалар ҳақида ҳам берилиш талаб этилмоқда. Бу тадбир тест синовида "холис хизмат" қиладиган "кўмакчиларни" ўз вақтида аниқлаш учун қилинди. Ҳар бир ўқув юртидаги абитуриентлар рўйхати махсус компьютер дастури орқали тузилади. Уларнинг тест имтиҳони куни ўтирадиган ўринлари ҳам компьютерда белгиланади. Давлат тест марказининг ўзида абитуриентлар ўзлари учун белгиланган ўринларда ўтирган-ўтирмаганлигини, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари ўз вазифаларини қандай бажарганликларини аниқлаш ва уларга тегишли баҳо қўйиш тизими яратилмоқда.

Тестнинг жамиятимиздаги ўрни, унинг давлатимиз тараққиётини таъминлашдаги аҳамияти юртдошларимиз томонидан қанчалик чуқур англаниб борган сайин уларда бу амалиётга нисбатан ишонч туйғуси ортади. Бу, айниқса, ёшларимиз онгида биринчи галда шаклланиши керак бўлган тушунча. Шуни назарда тутиб биз имкон қадар ёшларга яқинроқ боришга, уларга тестнинг асл мақсадларини тушунтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Шундай тадбирларимиздан бири — жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ёрдамида Тест марказлари очилмоқда. У ерда ўқувчилар ҳали мактаб партасидаёқ олий ўқув юртлари учун тест синовларини топширишни машқ қилади. Шундай марказлар ҳозирда Тошкент шаҳрида, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятида фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг мутахассисларимиз у ердаги компьютер техникаларига махсус дастурлар ўрнатишган ва жавоблар бевосита Давлат тест марказига юборилади. Бу ердан эса ўқувчи тўплаган балл миқдори аниқланиб, қайтариб юборилади. Бу биринчидан ўқувчи учун машқ бўлса, иккинчидан ўз имкониятларини чамалаб кўриш, зарур ҳолда ўз устида ишлаш лозимлигини уқтиришда қўл келмоқда. Ушбу тажриба келажакда такомиллаштирилгач, ҳаттоки у ердаги тест топшириқларини ечган ўқувчи-абитуриент билимлари ҳақида сертификат бериш ҳам мумкин бўлади.

Сўзимнинг сўнгида бир нарсани таъкидламоқчиманки, бизнинг холисликни, адолатни ўрнатиш учун қилаётган ушбу ҳаракатларимиз маълум маънода ушбу жараёнга жалб этилган кишиларнинг оддий фуқаролик бурчларини англаб, уни рисоладагидек адо этиши билан уйғунлашмаса, кутилган натижага эришиш қийин. Шу боис, абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ҳушёр бўлиши, кўз ўнгида содир этилаётган номақулчиликларга муросасиз бўлиши шарт. Бир кунда бўлиб ўтадиган ушбу жараён нафақат ўзимизнинг, балки мамлакатимизнинг келажакдаги тақдирини белгиловчи муҳим воқеа эканлигини зинҳор унутмаслигимиз керак.

Абдусамат РАҲИМОВ
суҳбатлашди.

АБИТУРИЕНТГА ЭСЛАТМА

(олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун)

Абитуриент ўқув юртининг қабул комиссиясига Ўзбекистон Республикасидаги ўқув муассасаларига 2000-2001 ўқув йили қабул қоидалари асосида расмийлаштирилган қуйидаги ҳужжатларини топширади:

- ўқув муассаси (ди)ректори номига ариза;
- ўрта умумтаълим мактаби, ўрта махсус ўқув ёки ҳунар техника билим юртини тамомлаганлиги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3х4 см ўлчамли 6 та фотосурат;
- 086/У - шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат (шахсан кўрсатилади).
- Халқаро, республика олимпиадаси, конкурс ва мусобақалари ғолиблари конкурссиз кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг асл нусхасини;
- Муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси билан келган абитуриентлар қабул комиссиясига тегишли йўлланма;

Ўзбекистон Республикаси ўқув муассасаларига талабаликка қабул қилиш тест асосида амалга оширилади.

Кундузги ва сиртқи таълим бўйича абитуриентларни тестдан ўтказиш, ўқув муассасаларига қабул қилиш Низомига асосан, ўзбек, қорақалпоқ (Қорақалпоғистон Республикасида) ва рус тилларида, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида белгиланган кун ва вақтда, яъни ОЎЮларининг кундузги ва сиртқи бўлимларида 2000 йил 1 августда, ўрта махсус ўқув юртларининг барча таълим турларида 2000 йил 11 августда ўтказилади.

Ҳужжатларни топширганларидан сўнг, абитуриентларга рақами кўрсатилган рухсатнома ва титул варақаси тест синовларига 3 кун қолганда берилади.

Тест ўтказиладиган куни абитуриентларни бино ичкарисига киритиш эрталаб соат 7^{30} да бошланиб 30 дақиқа давом этади. Кириш олдида навбатчиларга рухсатнома титул варағи ва паспорт шахсан кўрсатилиши шарт. Соат 8^{30} дан сўнг кечикиб келганлар, қандай сабаб бўлишидан қатъи назар, тест ўтказилаётган хоналарга киритилмайди. Соат 8^{00} дан бошлаб абитуриентлар ўз гуруҳлари рақами билан бир хил рақамли аудиторияга кирадилар.

Соат 8^{30} да аудиторияга киритиш тўхтатилади.

Тест бошлангандан сўнг абитуриентлардан икки киши таклиф қилиниб, аудитория раҳбари, кузатувчи билан биргаликда қути муҳрланганлиги аниқланади ва қути очилади. Саволлар китоби ва унинг ичига солинган жавоблар варағи биргаликда саналиб, уларнинг сони 3- ва 4- шаклдаги далолатномаларнинг биринчи қисмига ёзилади ва имзо қўйилади. Сўнгра ичига жавоблар варағи солинган саволлар китоби тарқатилади.

Абитуриентлар!

Саволлар китобини синчиклаб текшириб чиқинг. Агар фанларда тест саволлари типографик хато ёки бошқа сабабларга кўра тўла нашр қилинмаган бўлса дарҳол аудитория раҳбарига хабар беринг.

Сиз тўлдирган жавоблар варағи билимингизни баҳолашда асосий ҳужжат ҳисобланади. Уни тўлдиришда хатоликка йўл қўйманг!

Тест бошланишидан олдин ўз рухсатнома ва титул варағингизнинг тегишли жойларига кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан Сизга тарқатилган жавоблар варағининг (6) қисмидаги еттита рақамли номерни қўчириб ёзинг. Титул варағига жавоблар варағининг рақамини ёзмаган абитуриент тест синовига қатнашмаган деб ҳисобланади ва унинг шикояти инобатга олинмайди.

Жавоблар варағидаги матнни синчиклаб ўрганиб чиққанингиздан сўнг, унинг мос блокларини (титул варағидан кўчириб тўлдиринг). Жавоблар варағидаги барча кўрсатмалар тўғри бажарилиши шарт. (Иловага қаранг).

Абитуриент томонидан белгиланган жавоблар варағи оптик қурилмаларда ўқилади ва натижалари компьютерларда таҳлил қилинади, шу сабабдан қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиш жуда муҳимдир;

1) фамилия, исм, отасининг исми, ўқув муассаси номи ва танланган ихтисослик дастхат билан жавоблар варақасининг (1) қисмига тўлдирилади;

2) (3) қисмдаги тегишли доирачаларни тўғри бўяши шарт;

3) (4) қисмида код билан вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани, ўқув юрти, ихтисослик ва мактаб номери кўрсатилади. Мазкур варақни ўз дастхати билан тўлдирилганлигини ва кодларни тўғри белгилаганини тасдиқлаб имзо чекилади;

4) абитуриентга тушган вариант жавоблар варағида кўрсатилади ва унга мос саволлар китоби берилади. Жавоблар варағининг (5) қисмига абитуриент томонидан ҳеч қандай белги қўйилмайди.

Саволлар китобидаги рақами билан жавоблар варағида кўрсатилган вариантнинг рақами бир хил бўлиши жуда муҳимдир, акс ҳолда, тест натижаси бекор қилинади.

5) (6) қисмдаги рақам тагидаги доирачаларга ручка тегизманг;

6) жавобларни тўлдириш жараёнида (китобчадан жавоблар варағига кўчириш) саволлар блокларини (I-III) чалкаштириб юборманг;

7) жавоблар варағида керакли ёзувлар ва доирачаларни бўяш фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка воситасида бажарилиши керак, жавоблар варағини ўқийдиган қурилманинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қалам ёки бошқа рангли ручка ишлатиш қатъиян маън қилинади. Бўяш саранжомлик билан, доирачадан четга чиқмасдан ва барча доирачалар бир текисда (оч бўлмаслиги ва хиралиги тўқ бўлиши керак) амалга оширилади. Жавоблар варағининг доирачаларини тўлдириш намунасига қаранг.

Жавоблар варағини ғижимлаш, четларини букиш, ҳар хил хираликда бўяш, турли белгилар қўйиш мутлақо мумкин эмас, чунки булар ЭҲМ нинг оптик қурилмаларида ўқитилганда, салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Жавоблар варағининг (4) қисмида ихтисослик коди, тегишли равишда, керакли сонларни бўяш билан белгиланади.

Китобчадаги ҳамма блокларда 36 тадан савол келтирилган, ҳар бир саволга 5 тадан (А, В, С, Д, Е) жавоб берилган бўлиб, абитуриент улардан фақат битта тўғрисини китобчада белгилаб, кейинчалик жавоблар варағига кўчириши керак.

Жавобларни танлаш учун 108 та саволга 3 соат ва 72 саволга 2 соат вақт ажратилади. Берилган саволлар ҳар хил мураккаблик даражасига эга. Вақтингизни шундай тақсимлашингиз керакки, ҳамма саволларга жавоб топишга улгуринг. Саволларга жавоб танлашингизда ишни нисбатан енгил саволлардан бошлаб, сўнгра мураккаброқ саволларга ўтишингизни тавсия қиламиз. Агарда бирон саволга жавоб беришда қийналиб қолсангиз, эътиборингизни фақат шу саволга қаратмасдан, бошқа саволларга жавоб излашга ўтишингиз ва барча топшириқларни бажариб бўлганингиздан кейин, бўш вақт қолса, яна ўша саволга қайтишингиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Саволларга жавоб бериш тартиби — ихтиёрий; асосийси, абитуриентларнинг танлаган жавобларини жавоблар варағининг тегишли блокига чалкаштирмасдан кўчиришларидир. Масалан, саволлар китобчасининг она тили ва адабиёти бўлимида танлаб олинган жавоблар, китобча устида ишлаш тугагач, жавоблар варағининг 1 блокига тартиб рақамига қатъий риоя қилинган ҳолда кўчирилиши лозим.

Чет тили топшираётган абитуриент II блокда мос келган тилга тегишли доирачани бўяши шарт.

Агар абитуриент битта саволга иккита ёки бир нечта жавобни белгиласа, ушбу саволга балл берилмайди.

Жавобларни белгилашда жуда эҳтиётлик билан ишлаш керак, агар жавоблар варағининг тагига картон қоғози қўйилмаса, тешикча пайдо бўлишига ёки доирачанинг бузилишига сабаб бўлади, бу эса чиқариладиган натижага салбий таъсир этиши мумкин.

Тест тугагач, охирида қолган иккита абитуриент жавоблар варағи, саволлар китоби ва титул варағларини муҳрлашда қатнашиб, 3-ва 4-шаклдаги далолатномаларнинг иккинчи қисмини тўлдириб имзо қўядилар.

Тест давомида аудиторияда синов қандай ўтганлиги (тест қоидалари бўйича ёки қоида бузилишлари бўлганлиги) тўғрисидаги фикрингизни билдириш учун жавоблар варағининг иккинчи бетидаги керакли доирачаларни бўяшингиз лозим.

Тест топшириқлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган, амалда қўлланилаётган мактаб дастурлари асосида тузилади ва барча ўқув муассаса учун бир хилдир.

Тест қоидаларини бузган ва жавоблар варағини тўлдириш давомида ўз билимига суянмай қинғир йўллардан (шпаргалка ва ш. ў.) фойдаланишга уринган абитуриент, таълим муассасасида ўқиш учун нолойиқ саналиб, кейинги йилларда ҳам тест синовларига қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Агар абитуриент 72-мактабни битирган бўлса, у ҳолда ручка билан катакларга мактаб рақамини 072 деб ёзиши керак (агар 5-мактаб бўлса, у ҳолда 005 бўлади), яъни абитуриентнинг тугатган мактаб рақами 2 хонали сондан иборат бўлса, у ҳолда учта катакни тўлдириш учун мактаб номери олдига битта "0" қўйилади, мактаб номери 1 хонали сондан иборат бўлса, у ҳолда учта катакни тўлдириш учун мактаб рақами олдига иккита "0" қўйилади. Ундан кейин пастдаги шу рақамларга мос доирачалар бўялади.

DTM Davlat Test Markazi

JAVOBLAR VARAG'I

Диққат! Жавоблар варағингизни бошқа абитуриентларга кўрсатманг!
Внимание! Не показывайте Ваш лист ответов другим абитуриентам!

Абитуриентлар диққатига!

1. *Жавоблар варағини тўлдиришда фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручкадан фойдаланинг. Фломастер ва сиёҳли авторучкадан фойдаланиш ман этилади.*
2. *Жавоблар варағи варианти (5-блок) билан саволлар китоби варианти мослигини текширинг.*
3. *Жавоблар варағи номерини 6-блокдан титул варағингиздаги ва рухсатномангиздаги мос катакларга кўчириб ёзинг.*
4. *Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни 1-блокка ёзинг.*
5. *2-блокни диққат билан ўқиб имзоланг.*
6. *3-блокда ўзингизга мос келувчи доирачаларни бўянг.*
7. *Махсус кодингиз, тугатган мактабингиз жойлашган вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани кодларини, мактаб номерини, ўқув юрти ва ихтисослик кодларини 4-блокнинг мос жойларига титул варағингиздан кўчиринг ва доирачаларни мос равишда бўянг.*
8. *Саволлар китобчасидаги тест саволларига тўғри деб ҳисоблаган жавобларингизни жавоблар варағининг I - III блокларидаги доирачаларга мос равишда белгиланг. Ҳар бир фаннинг ўз жойига белгиланишига эътибор беринг. Чет тили бўйича тест топшираётган абитуриентлар мос келган тилга тегишли доирачани бўяшлари шарт.*
9. *Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланганда жавоб тўғри белгиланган ҳисобланади. Агар битта саволга икки ёки ундан кўп жавоб белгиланса, ушбу саволга ноль балл берилади.*

Вниманию абитуриентов!

1. *При заполнении листа ответов используйте шариковую ручку с синей пастой средней жирности. Применение фломастеров и чернильных ручек не допускается.*
2. *Проверьте соответствие варианта Вашего листа ответов из 5-блока и варианта книги вопросов.*
3. *Номер листа ответов из 6-блока перепишите в соответствующие клетки Вашего титульного листа и пропуска.*
4. *В 1-блок запишите свои данные.*
5. *Внимательно прочтите 2-блок и распишитесь.*
6. *В 3-блоке закрасьте кружочки, соответствующие Вашим данным.*
7. *В 4-блок перепишите из титульного листа цифры и закрасьте соответствующие им кружочки Вашего индивидуального кода, кодов области, района, города, городского района, где Вы заканчивали школу, номер школы, код учебного заведения, специальности.*
8. *В блоках I - III отмечайте Ваши ответы на задания из книги вопросов. Следите за тем, чтобы ответы по каждому предмету отметились в соответствующих блоках листа ответов. Абитуриенты, проходящие тестирование по иностранному языку, должны закрасить кружок соответствующего языка.*
9. *Правильное заполнение предполагает только один ответ на каждый вопрос. Если на вопрос даны два ответа и более, то этот вопрос оценивается в ноль баллов.*

① Фамилиянгиз (Фамилия). . . . . .
Исмингиз (Имя). . . . . .
Отангизнинг исми (Отчество). . . . . .
Ўқув юрти (ВУЗ, ССУЗ). . . . . .
Ихтисослик (Специальность). . . . . .

Белгилаш учун намуна (Образец закрашивания)
● Тўғри (Правильно)
⊘ ⊗ ◎ ◉ Нотўғри (Неправильно)

② Бу формани ўз дастхатим билан тўлдирганлигим ва кодларини тўғри белгилаганлигимни тасдиқлайман.
Эту форму я заполнил(а) собственноручно и подтверждаю правильность кодированных данных.
. . . . . .
Имзо (Подпись)

⑤ Вариант 3724503 ⑥ НОМЕР 0182543 Тип 01

Диққат! Бу ерга ручка теккизманг! Внимание! Здесь не закрашивайте!

I. БЛОК Она тили ва адабиёти (Родной язык и литература)

II. БЛОК ЧЕТ ТИЛИ
○ Инглиз ○ Немис ○ Француз

III. БЛОК МАТЕМАТИКА

③ Жинсингиз (Пол)
○ Эркак (Муж.) ○ Аёл (Жен.)

Қайси ўқув юртини ва қачон тугатгансиз?
Какое учебное заведение и когда заканчивали?
○ Мактаб (Школа) ○ Лицей ○ Ҳунар билим юрти (Профтехучилище)
○ Шу йилда (В этом году) ○ Илгари (Раньше)

④ Махсус кодингиз (Ваш индивидуальный код) | Вилоят (Область) | Туман (Район) | Шаҳар (Город) | Шаҳар тумани (Городской район) | Мактаб номери (Номер школы) | Ўқув юрти (ВУЗ,ССУЗ) | Ихтисослик (Специальность)

Сизнинг фикрингизча тест синовлари қандай ўтди? Как по Вашему мнению прошли тестовые испытания?
○ Тест қоидалари бўйича (Корректно) ○ Қоида бузилишлари бўлди (Некорректно)

Hay'at majlisida

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш баркамол авлодни тарбиялашда ва халқаро миқёсдаги спортчиларни тайёрлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, спорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши, бу соҳани ривожлантириш барча-барчанинг доимий эътиборида бўлиши муҳим эканлигини уқтириб ўтган эди. Юртбошимизнинг мамлакатда соғлом авлодни шакллантириш бўйича кўрсатмаларини бажариш, айтиш жоизки, энг аввало таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари мазмунини яхшилаш, ташкил этилган спорт тўгараклари иши самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси Хоразм вилояти халқ таълими муассасаларида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда жисмоний тарбия дарсларида янги ўқув дастурлари ва таълим стандартларининг бажарилиши хусусида бўлди. Ҳайъат мажлисини Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев бошқарди. Унда ХТВ Жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи З. Икромов ва Хоразм вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Й. Бобожоновнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидлаб ўтиш мумкинки, Хоразм вилояти таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Республика ҳукуматининг 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва 2000 йил 15 февралдаги "Соғлом авлод дастури тўғрисида"ги Қарорлари талабларини бажара бориб, ўқувчи ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Шу билан бир қаторда вилоят таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига янги таълим стандартларини жорий этиш, спорт тўгараклари фаолиятини яхшилаш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, шу соҳа бўйича Республика ҳукумати ва вазирликнинг тегишли қарор ва буйруқларининг бажарилишини таъминлашда жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилган. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, вилоятда жами ўқувчиларнинг 14 фоизигина дарсдан ташқари спорт тўгараклари қатнашадилар, холос. Вилоятда бирорта ҳам мактаб сув ҳавзасига эга эмас. Вилоятнинг Гурлан ва Янгибозор туманларида "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳукумат Қарорини бажариш юзасидан ҳеч қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Натижада бу туманларда текширилган мактаб ўқувчиларининг ярмидан кўпи, яъни 58,2 фоизи Давлат таълим стандартлари талабларини бажара олмаганлар. Вилоятнинг деярли барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимларида жисмоний тарбия ўқитувчилари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлари билан тузилган шартномаларда томонларнинг жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш, таълимнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича вазифалари кўрсатилмаган. Вилоятда бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилар экансиз, бунинг бош сабаби лоқайдликда ва бефарқликда эканлигига амин бўласиз. Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлиси Хоразм вилоятида бу борада амалга оширилаётган ишларни етарли эмас, деб топди. Мажлисда Хоразм вилояти халқ таълими мутасаддилари мавжуд нуқсонларни бартараф этиш учун жиддий чора-тадбирлар белгилаши лозимлиги уқтириб ўтилди.

И. БЎРИБОЕВ

ЛОҚАЙДЛИК — ЯНГИЛИК ДУШМАНИ

ҚУТЛУҒ НИЯТЛАР ИЛА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3 ИЮЛГА ҚАДАР

университет қабул ҳайъатига 1023 та ариза тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 316 та кўпдир.

«Бу рақам нимани изоҳлайди?" деган саволимизга қабул ҳайъатининг масъул котиби, доцент Саидносир Файзуллаевнинг жавоби шундай бўлди:

— Ўқитувчилик — оммавий касб, уни эгаллаганларга ҳар қаерда ҳамиша ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Умуман, университетимизга кириб ўқиш истагидаги ёшларнинг кўплиги бизни қувонтиради.

Саидносир Файзуллаевнинг таъкидлашича, университет бакалаврликнинг 27 та йўналиши бўйича 2343 нафар талаба қабул қилади. Шундан 985 кишига бюджет, 1363 нафар талабага тўлов-контракт бўйича қабул квоталари белгиланган.

Касбий педагогика — машинасозлик, сервиз хизмати, амалий санъат, гуманитар ижтимоий педагогика-психология ўзбек ва романгерман филологияси факультетларига даъвогарларнинг кўплиги кузатилмоқда.

ИЛИНЖ

Илинж — орзу, у кўнгилнинг нозик туйғусидир. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир абитуриент ана шу ҳиссиётнинг "қули"дир.

Севара Жўраева Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманидан келган. Нозик жуссали бу қиз ўша шаҳардаги ҳуқуқ ва иқтисодга ихтисослашган лицейни тамомлаган. Орзулари лиммо-лим.

— Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топширяпман. Ўз тилимиз, маданиятимизни, адабиётимизни ўрганишга бўлган мойиллик менда анчадан бери бор. Олдиндан бир нарса деёлмайман, талаба бўлиш насиб этадими, йўқми? Лекин орзуим университет талабаси бўлиш.

Яна бир абитуриент Бахмал туманидан келган Қаҳҳор Ҳасанов 1999 йилда грант учун 13 балл етмаганлигини афсус билан айтиб ўтди. Балки бу йигитга 2000 йилда омад кулиб боқар...

* * *

Абитуриентни улкан денгиз қирғоғида турган сузувчига қиёслагим келади. У ана шу денгизга ўзини отиб, нариги қирғоққа сузиб ўтиши керак. Бу унинг ўз ҳаракатларига боғлиқ. Бунинг учун унга имкониятлар яратилади.

Хусусан, Низомий номидаги университетда ҳар бир фан бўйича 6-10 соатлик консультациялар уюштириш режалаштирилган. Чақириқ-қача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, мусиқа ва эстетик тарбия, қозоқ тили ва адабиёти, корейс тили ва адабиёти факультетларига ҳужжат топширган абитуриентларга ижодий имтиҳон жорий қилинган бўлиб, у 17 июлдан 24 июлга қадар ўтказилади. Абитуриент мутлақо балл ололмаслиги ёки 111-116 баллга "етиб" келиши мумкин. Бу ижодий имтиҳонда намоён бўлади.

Шунингдек, университетда 28 та мутахассислик бўйича магистратурага ҳужжатлар қабул қилиш ҳам бошланиб кетди.

Омадлилар август ойининг иккинчи ярмида маълум бўлади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

ДАРСЛИКЛАР МУКАММАЛ БЎЛСА...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда сўзга чиққанлар дастлаб сўнгги икки йил мобайнида тарих фанида, хусусан, Тарих институтида катта ўзгаришлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Вазирлар Маҳкамасининг қарори тарих фани ва унинг маркази бўлган тарих институтининг фаолиятини такомиллаштиришда муҳим дастур бўлгани, ташкилий ўзгаришлар амалга оширилгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди. Хусусан, қарордан сўнг институтда таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, янги бўлимлар ташкил этилди, ходимлар аттестациядан ўтказилди. Институтнинг илмий тадқиқот режалари янгиланиб, "Ўзбек халқи ва давлатчилиги концепцияси" ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди ва қабул қилинди, шу асосда илмий изланишлар бошлаб юборилди. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш бўйича тадқиқотлар тайёрланди. Илмий монографиялар нашрга топширилди.

Булардан ташқари, кичик ҳажмдаги илмий ва илмий- оммабоп тадқиқотлар ҳам нашрга тайёрланди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, "Ўзбекистон тарихи" журнали ва даврий тўпламини нашр қилиш йўлга қўйилди. Қадимги манбалар устида ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида тарих фанига ихтисослашган мактаблар ташкил этилди.

Чоп этилган китоблар, ўқув-илмий ва услубий қўлланмалар Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошида тузилган эксперт гуруҳи томонидан бир ой давомида кўрикдан ўтказилди. Текширишда шу нарса кузатилдики, сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихини яратишда самарали натижаларга эришилган. Дарслик ва қўлланмалар нашр этилган. Аммо улар камчиликлардан холи эмас. Шу билан бирга Олий ўқув юртларида муаммовий дастур бўйича яратилган маърузалар матнида ҳам хатоликлар борлиги кузатилди. Қизиқ томони шундаки, баъзи институтларда умуман маърузалар матни тайёрланмаган. Ўзбекистон Миллий университети маърузалар матни бўйича етакчилик қилмоқда, холос.

Семинарда 1995 йилгача чоп этилган ўқув-услубий қўлланмаларнинг талабга жавоб бермаслиги боис ундан таълим муассасаларида фойдаланмаслик тавсия этилди. Чунки уларда эскича қараш, ҳозирги мафкурага, давр талабига мос келмайдиган тушунча ва мавзулар бор. Энг ачинарлиси ушбу адабиётлар орасида ҳатто яқин йилларда яратилганлари ҳам бор.

Хулоса қилиб айтганда, шу кунгача Ўзбекистон тарихи дарслиги мукаммал ҳолда яратилган эмас. Яратилганлари ҳам юқорида айтилганидек, камчиликлардан холи эмас. Кўриниб турибдики, ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўп. Вақт эса шамолдай жиловини тутқазмайди. Тўғри, миллий мафкура сингари Ўзбекистон тарихини яратиш ҳам маълум вақт талаб этар. Аммо талаб, эҳтиёж ўз даврида қондирилмас экан, яъни ўсиб келаётган авлод онгига юртимизнинг ҳаққоний тарихи тезроқ сингдирилмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бу ҳар бир тарихчи олим ва кенг жамоатчиликдан масъуллик ва ҳаракатни талаб этади.

Семинар иштирокчилари ана шу мақсад йўлида биргаликда, ҳамжиҳатликда иш олиб бориш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, илмий-амалий ҳамкорлик ва тадқиқотларнинг кейинги режалар ва вазифаларини белгилаб олдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рискиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этишди.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Мен шу дамда жажжи Темурбек кийган қалпоқни кузатаётган болажонлар кўзларида қувонч, юзларида ҳайратни кўрдим.

Шоир Дантенинг машҳур «Илоҳий комедия»сида ҳам, ал-Фарғоний номи ва унинг илмий-фалсафий қарашлари тилга олинади.

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЛАР БЕШИГИ

Собиқ етмиш йиллик маънавий узилиш даврида кейин камёблашиш даражасига келиб қолган миллий ҳунармандчилигимизни тиклаш ҳақида кўп ва хўп қайғуриб турган бир пайтимизда Тошкентдаги 12-касб-ҳунар мактабининг фаолият юритиб келаётганлиги юқоридаги "кўп ва хўп" гапларнинг амалдаги исботини кўрсатмоқда.

Ҳарқалай миллий ҳунармандчиликка йўналтирилган илм даргоҳлари ҳақида кам эшитган бўлсангиз керак.

Бу даргоҳнинг тарихига назар солсак, бироз қизиқ: 1974 йилда Заргарлик заводи қошида ёш заргарларни тайёрлаш мақсадида 26-ҳунар техника билим юрти номи билан ташкил этилган. Бундан ташқари, ўша пайтда Чинни заводи ҳам чинникорлар етиштириб бериш учун бу масканни ўз қарамоғига олган. Ўша даврда Ўрта Осиё миқёсида заргар, наққошларни тайёрлаб берадиган бирдан-бир ягона маскан саналганлиги эътиборлидир. 1997 йилга келиб, билим юрти 12-касб-ҳунар мактабига айлантирилди.

— Бизда, — деди директор ўринбосари Козим Искандаров, — заргарлик, наққошлик, тикувчилик, чилангарлик мутахассислари ҳамда радиотелеусталар тайёрланади. Бу даргоҳни битиргач, заргарлар Заргарлик заводига, наққошлар "Усто" бирлашмасига, тикувчилар "Малика" фабрикасига, чилангарлар автосервисларга йўлланма билан юборилади. Албатта, юқоридаги ташкилотлар билан ҳар йили кадрлар юбориш масаласи бўйича шартнома тузамиз.

Даргоҳда анча йилдан бери меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи Ўрмон Жўраев заргарлик, ишлаб чиқариш устаси Миролим Самиков наққошлик сирларини ўз шогирдларига ўргатиб келади. Улар тайёрлаган хонтахта, сандиқча, саккиз қиррали курсилар, лаъли идишлар наққошликнинг ҳақиқий намунасидир. Ўқувчилар қўли билан ясалган ҳар хил сирга, билакузук, зираклар, тиллақошлар кишини лол қолдиради. Машғулот хоналарига дастлаб қадам босган кишини миллий ҳунармандчилигимизнинг тарихи, кўҳна ўтмиши кутиб олади. Эскидан қолган тақинчоқларда, қайта ишлов берилган заргарлик буюмларида қадим туркий халқимизнинг бой дунёси мужассамлашган (Афсуски, мактаб биноси анча эски ва кўримсиз!).

Қувончли томони шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришдан келган маблағ ҳисобига мактабнинг моддий-техника базаси яратиляпти.

Шоди ОТАМУРОДОВ

УЛАР БУ УЛУҒ УНВОНЛАРГА ВА БУЮК НОМЛАРГА ЛОЙИҚ

Газетамизнинг ўтган сонларида айтиб ўтилганидек, ушбу мақолада Сизларга Аҳмад ал-Фарғоний ва Адиб Аҳмад Юғнакий каби мутафаккир боболаримизнинг илмий ишлари, кашфиётлари ва улар сазовор бўлган буюк номлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Аҳмад ал-Фарғоний. Тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний бўлиб, Ўрта Осиёдан етишиб чиққан олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ сифатида салмоқли ўрин тутади. У Фарғона водийсининг Қубо қишлоғи (ҳозирги Қува) қишлоғида туғилган. Қачон туғилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, тарих фанлари доктори А.Аҳмедовнинг илмий изланишлар асосида таҳмин қилишича, 797-798 йиллар. Манбаларда қайд этилишича, ал-Хоразмийдан 11 йил кейин, яъни 861 йилда вафот этган (Юқорида номи тилга олинган олим А.Аҳмедовнинг фикрича, 865 йил). Ал-Фарғоний ҳам Ал-Хоразмий билан биргаликда "Байтул ҳикма"да ижод қилган.

Ал-Фарғонийнинг 8 та асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор:

— "Китоб фи усул илм ан-нужум" ("Астрономия илмининг усуллари ҳақида китоб"). Асарнинг иккинчи номи "Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум" ("Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби"). Китобнинг қўлёзмалари Англия, Франция, Америка, Марокаш, Миср, Санкт-Петербургда сақланмоқда. Асар 1115, 1145 йиллари лотин тилига таржима қилинган. 1193, 1533, 1537, 1590, 1910, 1960 йилларда бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, Европанинг турли шаҳарларида нашр қилинган. Машҳур Гутенберг босма машинаси яратилгач, 1493 йилда ҳам нашр қилинган бўлиб, босма усулида чоп этилган энг қадимги китоблардан ҳисобланади.

— "Ал-Фарғоний жадваллари". Патна(Ҳиндистон)да сақланади.

— "Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола". Қоҳира кутубхонасида сақланади.

— "Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб". Қўлёзмалари Халаб ва Қоҳирада сақланади.

— Абу Райҳон Беруний қолдирган маълумотларга қараганда Ал-Фарғоний томонидан "Ал-Хоразмий "Зиж"ининг назарий қарашларини асослаш" асари ҳам ёзилган, лекин қўлёзмаси топилмаган.

Ал-Фарғонийнинг бу китоби бир неча асрлар давомида Европа университетларида дарслик вазифасини ўтаган. Маълумотларга қараганда, машҳур олим Региомонтан XV асрда Австрия ва Италия университетларида маърузаларни мазкур китоб асосида ўқиган.

— "Устурлоб ясаш ҳақидаги китоб". Асар қўлёзмалари Берлин, Лондон, Париж, Машҳад, Теҳронда сақланади. 1919 йили немис олими Видеман томонидан нашр этилган.

— "Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб". Ягона нусхаси Рампур (Ҳиндистон) кутубхонасида сақланмоқда.

Бу рўйхатда келтирилган асарларнинг бошидаги 2 тасидан бошқалари, афсуски, ҳанузгача ўрганилмаган.

Ал-Фарғоний илм-фанга ўзининг кашфиётлари, янгиликлари билан катта ҳисса қўшди. У:

— тарихда биринчи марта Қуёш, Ой, 5 та сайёра — Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурн ва 1022 та юлдузлар сферасининг радиусини аниқлаб берди.

— ўзига хос математик усул ёрдамида Ер меридиани, яъни белбоғининг узунлигини ўлчаб, 40 минг 800 км. деган хулосага келди. (Ҳозирги замон илмий асбоблари асосида ўлчанганда, бу кўрсаткич 40008 км.ни ташкил қилган.)

— оламни етти иқлимга бўлади. У тадқиқ қилган иқлим тушунчаси Европа олимлари томонидан тан олинган ва фанда ҳозир "иқлим" ўрнига тропик, субтропик, экваториал ва ҳ.к. номлар билан ўрганилади.

— осмон жисмлари ҳаракатини жадвалларда ифодалаган ва бошқа йирик илмий ишлар қилган.

Бундан олдинги мақоламизда айтиб ўтилганидек, Ал-Фарғонийга ҳам Ал-Хоразмий каби "Бутун жаҳоннинг буюк олими" деган ном берилган. Ал-Фарғонийнинг лотин тилига таржима қилинган 2 асарида унинг номи "Alfraghanus" — "Алфраганус" тарзида берилди ва бу ном бугунги кунда бутун дунёга машҳурдир. Шоир Дантенинг машҳур «Илоҳий комедия»сида ҳам, ал-Фарғоний номи ва унинг илмий-фалсафий қарашлари тилга олинади.

Адиб Аҳмад Юғнакий. Тўлиқ исми — Адиб Аҳмад ибн Маҳмуд Юғнакий. Туғилган ва вафот этган йили аниқ маълум эмас. Олимларнинг фикрича, тахминан 747-750 йилларда туғилган. У онасидан кўзи ожиз ҳолда дунёга келади. Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади: "Ҳақ субҳанаҳу ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратгандур, оммо кўнгул кўзин бағоят ёруғ қилғондур". У ёшлигидан жуда қобилиятли бўлиб, кўзи ожизлиги сабабли, от миниш ёки қилич чопишни эмас, балки Қуръони Каримни ёд олиш, Расулуллоҳ ҳадисларини ўрганишга киришади.

Навоий келтирган яна бир ниҳоятда диққатга сазовор маълумотларга қараганда, у ўсмирлик чоғларида оиласи билан Бағдод яқинига кўчиб боради ва уйдан бир неча чақирим пиёда йўл босиб, Ислом оламининг энг буюк аллома устозларидан, ҳанафия мазҳабининг асосчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ибн Собит (699-767) ҳузурига сабоқ олиш учун қатнайди ва унинг энг севимли шогирдларидан бирига айланади. Адиб Аҳмад Юғнакийдан бизгача етиб келган ягона яхлит асар — "Ҳибат ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар туҳфаси") достони бўлиб, унинг 3 та тўлиқ қўлёзмаси, 2 та айрим парчалари сақланиб қолган. Асар туркий элатларга исломий одоб қоидалари, маънавий аҳлоқий камолот сирларидан таълим беришга мўлжалланган. Алишер Навоий ўз асарларида қуйидаги мисраларни келтиради:

Ajdodlarimiz

Сўнггакка илик тур, эранга билик,
Биликсиз эран ул иликсиз сўнггак.

(Яъни билим эгаси вафот этганда ҳам унинг номи боқий қолади, аммо билимсиз киши тиригида ҳам ўликдан фарқи йўқдир.)

Юқорида тилга олинган "Байтул ҳикма"нинг бошида ҳам Аҳмад Юғнакий турган.

Бу мутафаккир бобомизнинг исми ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг исмига "Адиб" сўзи қўшиб айтилиши бежиз эмас. Аҳмад Юғнакий ўзини шоир эмас, балки адаб илми намоёндаси деб билади. "Юғнакий" сўзи эса унинг Юғнак қишлоғи (олимларнинг тадқиқотларига қараганда Самарқанд атрофлари) да туғилганини билдиради.

Хуллас, илк ислом мутафаккирларидан бўлмиш Адиб Аҳмад Юғнакий Моровроуннаҳр ва Хуросонда туркий элатлар маданиятини юксалтиришда катта хизмат қилди.

Азиз ўқувчилар! Газетанинг келгуси сонида икки буюк муҳаддис боболаримиз — Имом ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳақида маълумот оласиз.

Ботиржон ҒАФУРОВ тайёрлади.

"ШАРҚ ТАБОБАТИ" — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Республика Миллий матбуот марказида халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган қадриятларимиздан бири — халқ табобати илмини ўзида акс эттирган "Шарқ табобати" журнали нишона сонининг тақдимот маросими ўтказилди. Ойнома Ўзбекистон Халқ табобати академиясининг ташаббуси билан нашр этилди.

— Аждодларимизнинг табобат хазинаси томон қадам қўймоқдан мақсадимиз унутилиб кетаётган халқ тиб илмининг муолажа усулларини тиклаш, уни чуқур ўрганиб, соғлиқни сақлаш тизимида қайта жорий қилиш билан фарзандларимиз соғлом ва баркамол ўсишини таъминлашдан иборат, — деди Ўзбекистон Халқ табобати академияси Бошқаруви раҳбари, "Шарқ табобати" журнали таҳрир ҳайъати раиси Муҳаммад Ҳамроев "Туркистон-пресс" мухбирига.

— Жорий йилда журналнинг тўртта сони ўқувчилар қўлига тегиб, унда серқуёш ўлкамиздаги машҳур табибларнинг даволаш сирлари, шифобахш гиёҳлар ва улар асосида тайёрланган мураккаб дориларнинг қўлланиш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилади.

«Yil tarbiyachisi — 2000» ko'rik-tanlovi g'oliblari

ТЕМУРБЕК ТЕМУР ТИМСОЛИДА

Темур бобонг қурган "Оқ сарой" бу,
Жаҳон ичра қад ростлаган "Шоҳ сарой" бу.
Пештоқида Темур бобонг ҳикмати бор,
Она юртим қадрловчи шуҳрати бор.
Жажжи болажонлар гўё ўзларини мўъжизалар майдонига тушиб қолгандек ҳис қилдилар. Улар гўзал Қашқадарё билан танишар эканлар, Амир Темур билан янада қизиқдилар.

— Боғча опа, яна гапириб беринг, бобомиз ҳақида.

— Мана бу унинг либослари, қиличи.

— Қалпоғини кийиб кўрсам майлими?

— Албатта, ахир сен ҳам яхши ва кучли боласан-ку, Темурбек.

Мен шу дамда жажжи Темурбек кийган қалпоқни кузатаётган болажонлар кўзларида қувонч, юзларида ҳайратни кўрдим. Ким билсин, ўша вақтда мурғак қалбларда она Ватанга, муқаддас тупроққа бўлган меҳр қанчалик бойиган бўлса.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 34-"Шодлик" болалар боғчаси тарбиячиси Озодахон Сатторова ҳар бир машғулотини ўз тарихимизга, маънавий ва ахлоқий қадриятларимизга таянган ҳолда олиб боради. Боғчада каштачилик тўгарагини ташкил қилиб, болажонларни унга қизиқтира олаяпти.

— Эртанги кунимиз эгаларини мурғаклик давридан бошлаб санъатга, нафосатга, маданиятга, маънавиятнинг чуқур тилсимларини ўрганишларига биз катталар ёрдам берсак, келажаги буюк давлатимизнинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлишига ишонаман, — дейди Озода.

Вилоятда 497 та болалар боғчаси мавжуд. Шундан тўрттаси хонадон боғчалари ҳисобланади. Яқинда вилоят ҳокимининг қарори билан 4-6 соатлик боғча ташкил этилди. Бунда ота-она ўз вақтига қараб фарзандини маълум соатга тарбиячи қўлига топширади. Боғча пулининг 25-30 фоизи тўланади, холос. Бу эса кўпгина ота-оналарга ҳам маъқул келаяпти.

Вилоят тарбиячилари ҳамиша ўз устида тинмай ишлайдилар. Болажон, меҳнаткаш, моҳиру ширинсўзликлари билан фарзандларимиз қалбига йўл топа олаяптилар. Бу каби кўрик-танловларда тарбиячилар уч маротаба ғолибликни қўлга киритишлари сўзимнинг исботидир. "Йил тарбиячиси — 2000" республика кўрик-танловида Озода Сатторова ғолибликни қўлга киритиб, "Ўз касбининг устаси" деган кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Бу юксак ишонч — бутун қашқадарёлик тарбиячиларга берилган мукофот деб биламан. Машаққатли меҳнатнинг самарасини кўриш бу — бахт. Менга яқиндан ёрдам берган вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим бўлими мутахассиси, биринчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси Дилбар опа Муродовадан, ўз ҳамкасбларимдан чексиз миннатдорман, — дейди О. Сатторова.

Феруза ОДИЛОВА

Jarayon

ТАЛАБ ҲАР ЙИЛГИДАН ЮҚОРИ

Мамлакатимиз сув хўжалиги тизими учун ўрта бўғин мутахассисларини етказиб беришда тўнғич билим даргоҳларидан бири бўлган Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг хизматлари сезиларлидир. Бундан 80 йиллар муқаддам ташкил этилган Тошкент қишлоқ хўжалиги бошланғич гидротехниклар мактаби йиллар ўтиб Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежига айлантирилди. Даргоҳнинг пухта касб ўргатувчи муассаса сифатида мавқеи мустаҳкамланди. Айниқса, Мустақилликдан сўнг коллежда янгиликлар амалга кенг жорий этила бошланди. Бу ерда замон талабидан келиб чиққан ҳолда янги-янги мутахассисликлар бўйича бугунги кунда коллежнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 1200 нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар 7 та мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

Коллеж ўзининг йирик, замонавий ўқув-моддий базасига эга. Техник воситалар, ҳаракатланувчи моделлар билан жиҳозланган 32 та назарий машғулотлар учун мўлжалланган махсус ўқув хоналари, компьютер хонаси, лаборатория хонаси, спорт иншоотлари ва майдончалари, кутубхона, 200 ўринли ётоқхона биноси ҳамда 33 гектар майдонга эга бўлган ўқув тажриба хўжалиги мавжуд. Ўқувчилар касб малакаларини чуқур ўзлаштиришлари учун 10 та автомобиль, 13 та трактор, 12 та турли маркалардаги мелиоратив ва қишлоқ хўжалиги машиналари уларга хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда коллежда "Гидромелиорация ишларини механизациялаш", "Гидромелиорация", "Бухгалтерлик ҳисоби", "Автомобиль ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш", "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш", "Ҳуқуқшунослик", "Менежмент" каби мутахассисликлар фаолият кўрсатиб, халқ хўжалигига техник-механик, гидротехник, ҳисобчи, техник-эколог, ҳуқуқшуносиш юритувчи, менежер сингари кадрларни етказиб беради.

— Ўқув даргоҳимиз ташкил этилганидан буён икки мингга яқин малакали мутахассислар тайёрлаб берган, — дейди коллеж директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Рўзимат Анорметов. — Вақт ўтган сайин коллежимизда ўқиш истагида бўлган ёшлар сони тобора ошиб бормоқда. Бу йил ҳам қабул бошланиши биланоқ талабгорлар ҳам кела бошлашди. Коллежимиз жамоаси томонидан қабул мавсумига жиддий тайёргарлик кўрилди. Қабул комиссияси учун хоналар, ҳужжатларни қабул қилиш учун махсус жой ажратилди. Ўқув йили охирида мактаб битирувчилари учун "Очиқ эшиклар" кунини ўтказдик. Даргоҳимизда пуллик шартнома асосида ўқиётган талабаларга имтиёзлар яратиш учун турли ҳомий ташкилотлар билан шартномалар тузаяпмиз. Бугунгача 20 та шундай шартнома тузишга эришдик. Бу йил 7 та мутахассислик бўйича 480 та ўқувчи қабул қилишни мўлжаллаганмиз. Улардан 320 нафари давлат гранти асосида ўқиса, 160 нафари пуллик шартнома асосида ўқишга қабул қилинадилар. Талабаларимизга бугунги кунда замон талаблари асосида барча шароитларни яратиб бериш ўқув даргоҳимиз жамоасининг бош мақсадидир.

Икром БЎРИБОЕВ

Суратда: коллежда қабул жараёнидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Tavsiya

ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИ

Тез ўқиш. Бундай услубда талаба матндан керакли ахборотларни танлаб олади. Натижада керакли материални тез топишга малака ҳосил қилади ва зарур бўлганда, ундан фойдаланиш имконияти юзага келади. Илмий-техник ва илмий-оммабоп журнал ва газеталарни ўқишда ушбу услубдан фойдаланиш мумкин.

Танлаб ўқиш. Бунда мавзунинг алоҳида қисмлари ўқилади. Бундай ўқишдан китоб қайта кўздан кечирилганда фойдаланилади, яъни талаба ўзига зарур деб билган маълумотларни қайта кўриб чиқади.

Китоб ўқиш тафаккурни кенгайтиради, таҳлил қилишга, фикрлашга ўргатади. Лекин ўқиганни тушуниш осон иш эмас. Бунинг учун етарли миқдордаги тайёргарлик талаб қилинади.

Масалан, физикада ток, кучланиш ва ОМ қонунини билмаган талаба Крихгоф қонунини таҳлил қила олмайди.

Тушуниш шартларидан бири-мавзунинг маъно тузилмасини таҳлил қила билишдир. Талаба мустақил ўқиши жараёнида маънолар кетма-кетлигига эътибор берса, олдинги тушунчалардан ўз ўрнида фойдалана олса, яъни уни қўллаб, мисол ва масалалар еча олиш даражасига етса, мустақил хулоса чиқара олса, кўзланган натижага эришган бўлади.

Бу ишларнинг ташкилотчиси, психологик жиҳатдан тайёрловчиси ўқитувчи ҳисобланади. У мустақил таълимнинг ихтиёрий бошқа шакл ва услубларини қўллашдан олдин талабаларни китоб билан ишлашга ўргатиши керак.

У кейинчалик ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, мустақил таълимнинг турли усулларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

ТАЛАБАНИНГ ИШИ ТАНЛОВЛАРДА

Республика, вилоят, шаҳар ва институт миқёсида эълон қилинадиган турли конкурслар ва танловларга талабаларнинг ишларини тайёрлаш ва уларнинг иштирокини таъминлаш ТМТОни жадаллаштиради. Мустақил таълимнинг бу шакли бўйича ижтимоий - гуманитар фанлари соҳасида кенг имкониятлар мавжуд. Бу соҳа бўйича турли мавзуларда иншо кўрик-танлови, қўшиқ танлови, ижодий кўриклар ва бошқа тадбирлар ўтказиб борилади. Талаба уларга тайёргарлик кўриш жараёнида мустақил адабиётлар ўқийди, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини чуқур ўрганади, раҳбари билан мунтазам мулоқот қилади.

Кўрик натижаси бўйича талаба ўзининг тутган ўрнини аниқлайди, маънавий ва моддий рағбатлантирилади. Натижада у бошқа талабаларга келгусида таълимнинг ушбу шакли бўйича шуғулланишларига ўрнак бўлиб хизмат қилади.

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИГА ТАЙЁРЛАНИШ ВА ИШТИРОК ЭТИШ

Мустақил таълимнинг дастлабки босқичида ҳар бир фан бўйича иқтидорли талабаларни танлаб олиб, шу фанга қизиқувчи, фанни чуқур эгаллашни хоҳловчи, билимли, зукко талабалар танлаб олиниб, кафедра томонидан тайёрланган махсус дастур асосида олимпиадаларга тайёрланади. Бунда фан қисмларини чуқур ўрганиш, дастурга киргган қисмларни ўзлаштириш, фан бўйича мураккаб масалаларни ечиш, олдинги олимпиадаларда тушган мисол ва масалаларни ечиш, олимпиада учун мисол ва масалалар тузиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилади.

Талабанинг факультет босқичидан бошлаб, токи республика босқичигача фан олимпиадасида иштирок этиши, унинг мустақил таълим олишини кескин жадаллаштиради.

Олимпиадларда барча курсларнинг талабалари иштирок этишлари мумкин. Чунки улар гуманитар, умумилмий (умуммуҳандислик) ва махсус фанлардан ўтказилади. Бу мусобақада мазкур фанни жорий йилда ўрганаётган ёки ўтган ўқув йилида ўрганган талабалар иштирок этадилар.

ТМТОга жалб қилувчи энг оммавий шакллардан бири бу фан олимпиадасидир. Шунинг учун ундан ҳар бир фанда фойдаланиш даркор.

Олимпиаданинг республика турида фахрли ўринларни эгаллаган талабалар ва уларнинг раҳбарлари моддий ва маънавий рағбатлантириладилар, уларнинг институтдаги рейтинглари ортади ва қўшимча имтиёзлар белгиланади. Шунинг учун ҳам ТМТОнинг олимпиада шакли йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

ТАЛАБА ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

ТМТОнинг ушбу услуби асосан юқори курс, устувор илмий-техник ишланмаларга, хўжалик шартномаларига, махсус илмий тўгаракларга, муаллифлик жамоаларига жалб қилинадилар.

ТМТО уларнинг қуйидаги фаолиятларида намоён бўлиб боради:

-илмий ишлари ва илмий ишланмаларини амалиётда жорий қилиш;

-илмий мақолаларини чоп эттириш;

-илмий анжуманларга, олий ўқув юрти, олий ўқув юртларираро, республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган конференция, олимпиада ва викториналарга иштирок этиш;

-аспирантура ва илмий стажёрлик фаолиятига тайёрланиш;

-"интернет"дан фойдаланиш усулларини ўрганиш;

-чет тилида чоп этилган адабиётлар билан ишлашни ўрганиш.

Ушбу соҳа бўйича юқори кўрсаткичга эришган талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари моддий ва маънавий рағбатлантириладилар, уларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар тақдим этилади. Натижада уларнинг рейтинг баллари ортиб боради.

ТАЛАБАНИНГ КАШФИЁТИ

ТМТОнинг ушбу шаклидан асосан техника йўналишидаги фанларда фойдаланилади. Талабалар аввало техник тўгаракларга жалб этиладилар. Улар билан олдиндан тузилган ва кафедрада тасдиқланган дастур асосида иш олиб борилади. Талабалар рационализаторликка тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиб - қоидаларини ўрганадилар. Кафедранинг ушбу соҳадаги ишларни амалга оширишида талабаларнинг иштироки таъминланади ва охир-оқибатда улар ҳам муаллиф бўлиш даражасига етказилади.

Ижодкорлик бўйича иқтидорли талабаларнинг мустақил ишлашларига имконият яратилади. Бунда раҳбарнинг йўл-йўриғи ва маслаҳати алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақил таълимнинг ушбу кўриниши бўйича юқори кўрсаткичга эришган талабалар кафедранинг тавсиясига асосан, ректорат томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириладилар.

Курс ишлари (лойиҳалари) ва малакавий битирув ишлари тайёрлаш.

Бу ТМТОнинг энг маҳсулдор даври бўлиб, мустақил таълимнинг ушбу шаклидан унумли фойдаланиш юқори малакали мутахассис тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Талаба курс иши ёки малакавий битирув ишини бажариш мобайнида маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари, мустақил таълим босқичларида олган билимларини умумлаштириб, уларни амалда қўллай олиши, қўйилган муайян масалани ижодий ҳал этиши лозим. Бунинг учун талаба ўқув ва илмий адабиётларни мустақил ўқийди, таҳлил қилади ва раҳбаридан маслаҳатлар олади, схема ва чизмаларни тайёрлайди, мутахассислар ёрдамида муҳокама қилади ва ишни ҳимояга тавсия қилади.

Қисқа вақт ичида талабанинг энг кўп билим олишини таъминлаш, тегишли кафедра ва раҳбарнинг мустақил таълимни самарали ташкил қилишига боғлиқ.

(Давоми бор)

Г.ДАДАМИРЗАЕВ,
Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори муовини
З.МАҲМУДОВ,
ўқув бўлими бошлиғи

(Давоми. Боши газетамизнинг 2000 й. 24 июнь сонида)

МУАММОЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН КАМАЯДИ

Жорий йилнинг Президентимиз ташаббуслари билан Соғлом авлод йили деб номланиши бежиз эмас. Чунки жисмонан бақувват, маънан етук, баркамол авлодгина келажакда залворли вазифаларни амалга ошира олади. Соғлом авлодни камол топтириш борасида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аслини олганда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгитдан қад кўтараётган замонавий спорт иншоотлари сизу бизнинг, фарзандларимизнинг келажаги учун, бир сўз билан айтганда, соғлом авлод учун. Чунки жамиятимизда тинч-тотув, маънавий етук, жисмонан бақувват оилалар кўпайсагина давлатимиз амалга ошираётган эзгу ислоҳотлар ниҳоясига етади.

Халқимизда ҳикматли бир гап бор: "Қуш уясида кўрганини қилади". Бу мақолни бежиз сизга эслатаётганимиз йўқ. Чунки агар ота-она соғлом турмуш тарзини юритса, табиийки, фарзанд ҳам уларнинг изидан юради. Бизнинг фикримизча, фарзанднинг бақувват, соғлом, мард бўлиб вояга етиши учун айнан спорт катта аҳамиятга эга. Болани болалигидан спортга ошно қилсангиз, ўзингиз амалда кўрсатиб, унинг фойдаси ҳақида гапирсангиз, фарзандингиз жисмоний тарбия дарси учун кроссовка олиб беринг, деганида ҳеч оғринмай олиб берсангиз, кейинчалик бунинг натижасини кўрасиз. Албатта, ҳар бир ота-она фарзанди камолини, роҳатини кўргиси келади. Яна бир ўйлаб кўринг, азиз ота-оналар, ишхона ва оила ташвишларидан озгина ортиб ўғил-қизингизни етаклаб бориб, бирор спорт турига берсангиз ёки уй шароитида эрталаблари жисмоний машқлар билан ўзингиз биргаликда шуғуллантирсангиз, сизни қийнаётган муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади. Саломатлигингиз яхшиланади. Юрт келажаги учун қайғурган бўласиз.

Дурдона ХОН

Олимларнинг аниқлашича, ер юзидаги 400 га яқин ўсимлик об-ҳавони "башорат" қилиш хусусиятига эга экан.

Бу чизиқ шундай аъло даражада бажарилганки, ҳозирги лазер мосламаси ёрдамида ҳам шундай чизиқни чизиш мушкулдир. Бу "Шоҳ" олмоси Россиянинг Олмос фондида сақланади.

Umid g'unchalari

ҚИШЛОҚ ТАЪТИЛИ

Илёсбек Чироқчи туманининг "Чияли" жамоа хўжалигидаги Уймовут қишлоғида яшайди. Яқинда саккиз ёшга тўлди. Лекин тийрак нигоҳли, гаплари бурро-бурро бу болакай билан суҳбатлашсангиз, у худди катталардек фикр юритишини кўриб, ажабланишингиз мумкин.

Очиғи, Илёсбек ҳали мактабга бормасданоқ акаларининг оғзидан илиб олиб, кўплаб шеърлар ёдлаган, ҳатто ҳарф таниб, ёзишни ҳам ўрганиб олган эди. Бу эса унинг ўзига хос қобилият эгаси эканлигидан дарак беради. Бўлмаса, боғча нималигини билмаган, оддий дашт қишлоғида тупроқ чангитиб улғайиб, ақлини таниган болакайнинг бундай интилишини бошқача таърифлаб бўлмайди.

Илёсбекдаги бундай қобилиятни пайқаган отаси ҳам уни қишлоқдаги оддий мактабга бермай, ўттиз чақирим нарида жойлашган иқтидорли болаларга таълим-тарбия бериладиган 1-гимназияга етаклаб борди. Бу ерда ўқитувчилар уни обдон имтиҳон қилиб кўришди.

— Ўғлингизнинг ҳаракати зўр, — дейишди улар. — Бу ёғини бизга қўйиб беринг. Насиб этса, Илёсбек катта олим бўлади.

Шундай қилиб, Илёсбек Бойматов мазкур гимназиянинг 1-синфида ўқий бошлади. Муаллимлар янглишмаган экан. Болакай ҳар бир дарсларда тиришқоқлиги, аълочилиги билан тенгдошларидан ажралиб турар эди. Айниқса, унинг инглиз тилини ўзлаштиришдаги зукколиги ҳаммани ҳайратга солар эди. Синф раҳбари Ойсара Тошеванинг эътирофича, жажжи қаҳрамонимиз тартиб-интизомга риоя қилиш борасида ҳам тенгдошларига ўрнак бўлаётган экан.

Яқинда Илёсбек гимназиянинг иккинчи синфини аъло баҳолар билан тугатди. Шу кунларда эса ёзги таътилни ўз қишлоғида ўтказаяпти. Ҳар куни тонгда уйғониб, бобосига эргашиб, яйловда қўй боқади, тенгдошлари билан ўйнайди. Уй ишларида онасига ёрдамлашади. Хулас, ҳар бир куни мароқли ўтади.

— Нимага лагерга бормадинг?, — дея сўрадим кулча юзлари саратон офтобида қорайган Илёсбекдан, — ёки отанг жўнатмадими?

— Отам юбормоқчи эди, лекин ўзим хоҳламадим, — дейди у болаларга хос соддадиллик билан. — Қишлоғимиз ҳам лагердан қолишмайди. Бу ердаям олма, ўрик, гилослар пишиб ётибди. Бобом эккан узумлар ҳам пишай, деб қолди. Қишлоқ яхши-да. Лагерга кейинги йил борарман.

Ҳа, қишлоқларимизда Илёсбекка ўхшаган иқтидорли, зукко болалар кўплаб топилади. Ҳамма гап уларни кўз қорачиғидек авайлаб, тўғри таълим-тарбия беришимизга боғлиқ. Ана шунда улар ҳар жиҳатдан баркамол улғайиб, юртимиз келажагига хизмат қиладиган етук инсонлар бўлиб етишишади.

Шавқиддин ҲАСАНОВ



Олтин ёз — ўтмоқда соз!

G'aroyib olam

ЯПОНЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ

Дунёда узоқ умр кўриш чемпионлари японлар ҳисобланади — ўртача 74,5 йил. Бунинг "сир"и уларнинг ёғ миқдори кам бўлган анъанавий парҳезидадир. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш бирлашмаси (БССБ) шу маълумотларни келтириб ўтар экан, илк бора "соғлом ҳаёт давомийлиги" тушунчасини ишлатади (бу дегани, кишиларнинг бутун ҳаёти мобайнида кечирган касаллик пайтлари чиқариб ташланади).

БССБ ўз тадқиқотларини 191 мамлакатда ўтказди. Соғлом ҳаёт давомийлиги бўйича Африка мамлакатлари энг ёмон кўрсаткичга эга. Масалан, Сьерра-Леонеда — ўртача 20 ёшдан ошмайди. Ажабланарлиси шундаки, бу борада АҚШ 30-ўринда турибди. Россияда эса аёллар ўртача 66,4 йил, эркаклар эса 56,1 йил соғлом умр кечиришаркан.

Жамшид САЪДИНОВ

Xullas...

ТУВАК — ҚУТҚАРУВЧИ...

Жонига қасд қилмоқчи бўлганлар ўзини дорга осиши, сувга ташлаши, сирка кислотаси ичиши ёки машина, поезд остига отиши мумкин. Бу эса худога ширк келтиришдан бошқа нарса эмас.

Петербурглик ёш йигит севгиси рад этилгач, Фин кўрфази қирғоғига келди. Сув ютаман деб турибди, йигит кийим-пийими билан сувга тушди. Тасодифан оёғига бир нарса илашди. Тошмикан? Йўғ-е, шакли тошга ўхшамайди. Энгашиб, ҳалиги нарсани олди. Қарасаки, болалар туваги, қопқоғи зич, зилдек. Қизиқ, ичида нима бор экан?

Йигит худди тилсимли хазинага дуч келгандек, тувакни қирғоққа олиб чиқди. Қопқоғини очиб кўрсаки, тувакда турли йиллардаги тангалар. Ўзини сув балосига гирифтор этмоқчи бўлган ошиқ тувакдаги тангалар билан овунди-қолди.

Ўша куни жонига қасд қилишни унутган йигит коллекционерлар ҳузурига йўл олди.

ҒИЛДИРАКДАГИ УЯ

Пенсионер Герасимов ўз шахсий автомашинасининг бузилган жойини ковлаётиб, ғилдиракдаги қуш уясига кўзи тушди. Ие, бу қанақаси бўлди, жонидан умиди борми? Қил устида турса-да, тухум очмоқчи бўлган жиблажибоннинг қаҳрамонлигига чол ҳайрон қолди. Орнитолог(қушлар ҳаётини ўрганувчи)ларнинг фикрича, бундай ҳолатдаги қуш уяси камёб ҳодисадир. Жиблажибон бошқача шароитларнинг барчасига тез мослашувчан бўлиб, қийинчиликлар унга чўт эмас. Эҳтимол, ғилдиракка ин қўйган жиблажибон ўзини мутлақо синалмаган шароитда синаб кўрмоқчи бўлгандир. Лекин бу синовга унинг иродаси етмаган, уяда ўлик жиблажибон полапонлари ётар, қушча ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди.

Sport

"ЕВРО — 2000" — ФРАНЦИЯ

Бельгия ва Голландия яшил майдонларида уч ҳафта давом этган футбол бўйича Европа чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. 16 йиллик танаффусдан сўнг, Франция яна қитъа чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Асримизнинг сўнгги Жаҳон чемпионлари кейинги йилларда кўрсатаётган натижалари "тасодиф" эмаслигини яна бир карра исботлади.

ЯНГИ МУРАББИЙ БИЛАН

Ўзбекистон терма жамоаси футбол бўйича Осиё Кубоги мусобақаларига тайёргарлик кўриш учун Хитой ва Шимолий Кореяда ўтказиладиган йиғинларда қатнашиш учун жўнаб кетди. Юрий Саркисян раҳбарлигидаги футболчиларимиз сафар давомида 2 ёки 3 та ўртоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштирган.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида кураш аренасининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан белбоғли кураш (Фарғонача усул) бўйича халқаро турнир ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси ҳамда вилоят кураш федерацияси иштирокчи ва ғолиб полвонларни махсус совринлар билан рағбатлантирди.

"ТЎР"ДАГИ РАҚАМЛАР

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида кечган Ўзбекистон чемпионати XX тур учрашувлари кутилмаган натижаларга бой бўлди. Учрашувларда жами 36 та гол қайд этилди. Энг йирик ҳисоб "Самарқанд-Динамо" — "Зарафшон" учрашувида 6:0. Мусобақаларни 87000 томошабин бевосита кўриш учун ўйингоҳларга ташриф буюрди.

ҲАРАЖАТ ҚОПЛАНДИ

Руминия терма жамоаси турнирнинг чорак финалига чиққани учун УЕФА томонидан 2,85 млн. долларга эга бўлди. Руминия Футбол федерацияси терма жамоанинг иштироки учун 1,7 млн. доллар ҳаражат қилганди. Хуллас, терма жамоанинг етакчи аъзолари 80 минг доллардан моддий рағбатлантириладиган бўлди.

maydonchasi

Bilasizmi?

Демографик маълумотларга кўра, бутун инсоният тарихи давомида 80 млрд.дан ортиқ одам туғилган. Шу жумладан, милоддан аввалги 40 минг йилда 4 млрд. киши, милод бошидан 1750 йилгача 61 млрд. ва 1750 йилдан 2000 йилгача 16 млрд. дан ортиқ одам дунёга келган.

. . .

Кўп фарзандлилик Осиё ва Африка мамлакатларида авжига чиққан. Лекин Россияда ҳам XX аср бошигача кўп болалилик анъанаси мавжуд бўлган. Машҳур ҳаким Н.И. Пирогов оилада 13-бола, буюк кимёгар Д.И. Менделеев эса 17-фарзанд бўлишган. Лев Толстойнинг эса «атиги» 13 та боласи бўлган.

. . .

Дунёдаги биринчи метрополитен йўли Лондонда 1863 йили, иккинчиси Нью-Йоркда 1868 йили қурилган. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг 70 та шаҳарида метрополитен ишлаб турибди. Лондон, Нью-Йорк, Париж, Москва метрополитенларининг йўллари энг узун йўллардир. Йўловчини кўп ташишда Москва метрополитени биринчи ўринда туради. Мазкур метрополитен бир йилда 3 млрд.га яқин одам ташийди.

. . .

Заминдаги мавжуд ўсимликлар бир-бирларидан баъзи хусусиятлари билан фарқланиб турадилар. Ўсимликларнинг барчаси ҳам ҳар хил ҳодисалардан, ҳолатлардан хабардор этади. Олимларнинг аниқлашича, ер юзидаги 400 га яқин ўсимлик об-ҳавони "башорат" қилиш хусусиятига эга экан.

. . .

Лондондаги Хитроу тайёрагоҳи дунёдаги энг катта тайёрагоҳдир. Бу ердан ҳар кеча-кундузда деярли 100 минг йўловчи ўтади. Бу тайёрагоҳ бир кеча-кундузда 700 та самолёт қабул қилиб, яна учириб юборади. Тиғиз ишлаган вақтида соатига ҳатто 100 тагача самолёт қўниб учади.

Нодиржон ЮСУПОВ тайёрлади.

ШЕЪР ИЗТИРОБИ

Шеър шўх, шаҳло—суйдирар,
Ёлқинли ўт—куйдирар.
Яқинлатмай ёнига,
Фироғига тўйдирар.

Этай десам дил изҳор,
Рўйхуш бермай қўйдирар.
Билмам қачон меҳрига
Рози бўлиб тўйдирар?

Ўлмасам деб қўрқаман,
Изтироби—доғида.

Минг шукурким, лутф этиб,
Сайр эттирди боғида.

Гоҳи баҳор, чаман-гул,
Наво қилар булбуллар.
Ашъор айтиб, қувнашар,
Қумри, суқсур, сумбуллар.

Назм майин ичканлар,
Ҳаловатдан кечганлар.
Омон бўлсин бариси,
Эл меҳрини қучганлар.

Фахриддин ЭРНАЗАРОВ,
Навоий вилояти Нурота туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси

ЁШЛИГИМ

Яланг кечган тупроқлар,
Кўзлар тўккан ялроқлар
Қалбга берар титроқлар
Ортда қолди деб ёшлик.

Ялпиз ўсган ариқлар,
Ўйнаб сузган балиқлар,
Болалик эсдаликлар
Ортида қолди ёшлик.

Шивалаб ёққан ёмғир
Бўлди тупроқ билан бир.
Эвоҳ, шу экан тақдир,
Ортда қолдинг ёшлигим.

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Юртинг олтинга сотма,
Бало домига отма,
Катта гуноҳга ботма,
Гар эл фарзанди бўлсанг.

Нодон нодони бўлма,
Ёмон ёмони бўлма.
Элингдан ҳазар қилма,
Мард эл фарзанди бўлсанг

Зинҳор аяма нонинг,
Юртга фидо қил жонинг.
Керак бўлса тўк қонинг,
Гар эл фарзанди бўлсанг.

Ko'ngil bitiklari

Ватан олтиндан улуғ,
Диллар меҳрига тўлуғ.
Абад қилгин сен қуллуқ.
Мард эл фарзанди бўлсанг.

Барно АБДУРАЗЗОҚОВА,
"Оила" илмий-амалий маркази аспиранти

ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ОЛМОС

Олмослар жаҳонда кўпинча турли ривоят, афсоналарни келтириб чиқарган. Энг кўп афсоналар асосан нодир олмослар ҳақидадир.

Шуниси қизиқки, ўта ноёб нодир олмослар доимо ўз соҳибларига бахтсизлик келтирган. Бу гапларнинг ҳақиқат эканлигини жаҳонда энг машҳур, табиатда жуда ҳам кам учрайдиган нодир рангли зангори-кўкиш ёқут - "Хоуп" олмоси исботлайди. Яъни бу нодир олмоснинг оғирлиги 444 карат (1 карат 0,2 граммга тенг) бўлиб, ўзининг барча эгаларига фақат бахтсизлик келтирган.

"Шоҳ" олмосини олайлик. У дунёда энг ноёб, жуда ҳам кам учрайдиган қимматбаҳо (нархини аниқлаш қийин) олмос ҳисобланади. Унинг оғирлиги 88,7 карат бўлиб, узунлиги 4 сантиметр, ромб шаклидадир. Унинг саккиз қирралик томонлари қадимда яратилган кўринишида сақланган. (Бу олмос тахминан VII-VIII асрларда Ҳиндистондан топилиб қазиб олинган). Бу ўта ноёб тош бошқа шу каби олмослардан фарқ қилади. Қайтарилмаслиги, жуда тиниқлиги, шаффофликка эга бўлганлиги билан ҳар қандай одамни лолу ҳайрон қолдиради.

Бундай кўринишдаги олмосларни табиат жуда кам яратади. Жаҳондаги барча асосий ноёб, нодир олмослар кўпинча Ҳиндистондан топилган. Энг сирли масалалардан бири, бу — "Шоҳ" олмосига ўйиб ёзилган ёзувлар ҳисобланади. Бу ёзувлар турли даврларга мансуб бўлиб, жуда осон ўқилади. Барча ёзувлар араб алифбосида бўлиб, форс тилида ёзилган. Бу ёзувларнинг биринчиси, энг қадимийси ҳамда даҳалроқ ёзилганида "Бурхон Низом шоҳ 1000 йил" (Христиан тақвими бўйича 1591 йил), иккинчисида жуда нафис ҳарфларда "Жаҳонгир шоҳ ўғли Жаҳоншоҳ 1051 йил" (Христиан тақвими бўйича 1641 йил) ва учинчисида жуда ҳам нодир нафисликнинг энг нозик, юқори чўққилари тизимида ёзилган: "Эгаси Кожар-фатҳ Али шоҳ Султон 1242 йил" жумлаларини ўқиймиз.

Бундан ташқари, "Шоҳ" олмосининг диққатга сазовор, инсонни лол қолдирадиган томони унинг қоқ ўртасидаги чуқурлиги 0,5 миллиметрга тенг ромб айланасидаги ингичка чизиқдир. Бу чизиқ шундай аъло даража бажарилганки, ҳозирги лазер мосламаси ёрдамида ҳам шундай чизиқни чизиш мушкулдир. Бу "Шоҳ" олмоси Россиянинг Олмос фондида сақланади. 1829 йил 30 январда Россиянинг Эрондаги элчиси Грибоедев фожеали ўлдирилгандан кейин, бошқа совғалар қаторида Россия подшосига совға қилинган.

Олмос энг қаттиқ материал бўлиб, унинг мустаҳкамлиги Моос шкаласи бўйича 10 балл ҳисобланади. Унга ишлов бериш жуда ҳам қийиндир. Жаҳонда кўп йиллардан бери қимматбаҳо тошларни ўрганиб, изчил тадқиқот қилиб, "Қимматбаҳо тошлар" номли машҳур китобни ёзган олим Гордон Смит "Шоҳ" олмоси ҳақида шундай дейди: "Шоҳ" олмосига ишлов бериб, ажойиб нафис ёзувлар ёзган, кўринишини шундай нодир ҳолга келтирган қадимги заргарларга қойил қоламан. Инсоннинг ақл-заковатига сиғмайдиган нозик ишлар бажарилган. Табиатдаги энг қаттиқ материалга ибтидоий, қадимги, оддий, жўн усул билан ишлов бериш ва бошқа ёзувчизув ишларини аъло даражада бажарган, ақлга сиғмайдиган сабр-бардош билан ишлаган заргарлар олдида бошимни эгаман».

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АКМАЛ ИКРОМОВ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ 2000-2001 ЎҚУВ ЙИЛЛАРИ УЧУН

Хорижий тиллар йўналишига қизиққан ва уларга мойиллиги бўлган 9-синфни битирган ўқувчиларни қабул қилади. Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари зарур:

1. Муассаса раҳбари номига ариза.
2. Рейтинг бали кўрсатилган маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ташхис маркази тавсияномаси.
4. Доимий яшаш жойидан маълумотнома.
5. 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома.
6. 3х4 см. ли 4 дона фотосурат.

Манзил: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Решетов, 4-уй. 20, 35-автобусларнинг "Адабиёт институти" бекати.

КАСАЛНИ ЯШИРГАН БИЛАН...

Кишинёвлик киши хотинини алдаб уйдан чиқди: икки-уч кунга Одессага бориб қайтаман. Ваҳоланки, у бошқа шаҳарга эмас, бир қават пастдаги қўшнисиникига тушиб, отамлашиб ўтирарди.

Ошиқ-маъшуқлар вақт алламаҳалгача ўтириб, кечки пайт мезбон меҳмоннинг қўлига ахлат челакни тутқазди. Ахлатни тўкишга-ку тўкди-я, лекин уни кўтариб, беихтиёр ўз хонадони эшигига борганини билмай қолди. Кайф зўр эди-да...

Воқеанинг давоми қандай кечгани маълум. Хотини оёқда зўрға турган эрини бошқача ахлат челак билан турганини кўриб, ҳаммасини тушунди. Юзига тушган тарсаки зарби, айюҳаннос солиб бақириш — бари-бари бир бўлди.

Минг айланиб, минг ўргилиб, яширишга уринманг, шартли рефлекс деган биологик ҳолат сирингизни фош қилиб қўяди.

ana shunaqa gaplar...

Давлат Тест маркази Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси бўлим бошлиғи Х. ОМОНОВга волидаи муҳтарамаси ИҚБОЛ момонинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси, қўмита техник нозири Радик Муллаҳметовга волидаи муҳтарамаси Раиса ая МУЛЛАҲМЕТОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА ва Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Жамшид САЪДИНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-517. Тиражи 35.358.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.